



20 20 у « 26 » октябр

№ Қ-1666

« » 20 г

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
“Мамлакатимизда ўзбек тилини янада
ривожлантириш ва тил сиёсатини
такомиллаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида” 2020 йил 20 октябрдаги
ПҚ-6084-сонли ҳамда вилоят ҳокимининг
2020 йил 23 октябрдаги Қ-591-сон қарорлари
ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилини давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон Фармонига мувофиқ ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсидаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакамизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш, Ўзбекистондаги миллат ва элатларнинг тилларини сақлаш ва ривожлантириш, давлат тили сифатида ўзбек тилини ўрганиш учун шарт-шароитлар яратиш, ўзбек тили ва тил сиёсатини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналиш ва вазифаларини ҳамда истикболдаги босқичларини белгилаш бўйича берилган топшириқларининг ижросини таъминлаш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 20 октябрдаги ПҚ-6084-сонли ҳамда вилоят ҳокимининг 2020 йил 23 октябрдаги Қ-591-сон қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2.Мазкур Фармонга кўра:

а) 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси (кейинги ўринда - Концепция) тасдиқланганлиги ва унда бир қатор вазифалар назарда тутилганлиги;

б) 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясини 2020-2022 йилларда амалга ошириш дастури (кейинги ўринда - Дастур);

2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари (кейинги ўринда – Асосий йўналишлар) тасдиқланганлиги;

в) Вазирлар Маҳкамасига уч ой муддатда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига тўлиқ ўтишни таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳини ташкил қилиш ва аниқ чора-тадбирлар ҳамда уларни молиялаштириш манбалари ва ҳажмларини назарда тутувчи “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш вазифаси юклатилганлиги;

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида ўзбек адабиёт тили меъёрлари ва давлат тилида иш юритишда бўйича қисқа муддатли (1-2 ойгача) ўқув курслари мунтазам равишда ташкил этилиши белгилаб қўйилганлиги инобатга олинсин.

3. Туман ҳокимининг биринчи ва тармоқлар бўйича ўринбосарлари, тумандаги идора ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари Фармон билан тасдиқланган Концепция, Дастур ва Асосий йўналишларда назарда тутилган тадбирларнинг тегишлигига кўра, ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

4. Туман ҳокимининг биринчи ва тармоқлар бўйича ўринбосарлари, туман ҳокимлиги гуруҳ раҳбари, тумандаги бўлим, идора ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари Фармон билан тасдиқланган Дастурга кўра иш юритиш, шунингдек, барча идоралараро ҳужжатлар айланиши давлат тилида бўлишини тўлиқ таъминлаш ва бу жараёнда давлат тилига қатъий амал қилишни назорат қилсин.

5. Туман ҳокимининг ўринбосари Н.Алланазаров, туман ҳокимининг маслаҳатчиси Ғ.Мухамадиев, туман Халқ таълими бўлими Н.Исмамов, тумандаги манфаатдор туман бўлимлар ва ташкилотлари билан биргаликда фуқароларнинг она тилида таълим олиш имкониятини таъминлаш даражасини оширсин.

6. Фуқароларнинг она тилида таълим олиш имкониятини таъминлаш даражасини ошириш бўйича туман ишчи гуруҳи (кейинги ўринда – туман Ишчи гуруҳи) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Туман Халқ таълими бўлими Н.Исмамовга 15 кун муддатда фуқароларнинг она тилида таълим олиш имкониятини таъминлаш даражасини ошириш бўйича таълим бошқа тилларда олиб бориладиган таълим муассасаларининг тегишли ўқув-қуроллари ва зарур адабиётлар билан таъминланганлиги ҳолатини ўрганиш

бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, туман ҳокимига тасдиққа киритсин.

8. Туман ҳокимининг ўринбосари Н.Алланазаров, туман ҳокимининг маслаҳатчиси Ғ.Мухаммадиев туман ишчи гуруҳи аъзолари билан биргаликда бир ой муддатда фуқароларнинг она тилида таълим олиш имкониятини таъминлаш даражасини ошириш соҳасидаги ишларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаб, вилоят ҳокимлигига тақдим этилиши таъминлансин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Н.Алланазаров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров



Туман ҳокимининг
2020 йил “26” октябрдаги
Қ-1666 -сонли қарорига
илова

**Фуқароларнинг она тилида таълим олиш имкониятини таъминлаш
даражасини ошириш бўйича туман Ишчи гуруҳи таркиби**

- | | | |
|---------------|---|---|
| Р.Гаппаров | - | Туман ҳокими, ташкилий қўмита раиси |
| Н.Алланазаров | - | Туман ҳокими ўринбосари, ташкилий қўмита раисининг ўринбосари |
| Ғ.Муҳаммадиев | - | Туман ҳокимининг маслаҳатчиси |
| Н.Исматов | - | Туман Халқ таълими бўлими мудир |
| Х.Улуғова | - | Туман Мактабгача таълим бўлими мудир |
| М.Абдуллаев | - | Туман Маданият бўлими бошлиғи |
| Ш.Маммадиев | - | Маънавият ва маърифат бўлинмаси раҳбари |
| Р.Менгзияева | - | “Қумқўрғон садоси” газетаси мухбири |
| А.Холтўраев | - | Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими бошлиғи |
| А.Абдукаримов | - | Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши раиси |